

Абадий ахлоқ мактаби



13:46 / 02.03.2025 2061

Аллоҳ таоло инсонни икки олам орасида яратди. Уларнинг биринчиси руҳоният олами, иккинчиси моддият олами. Инсон ушбу икки оламнинг ўртасидадир. Чунки Аллоҳ таоло уни икки табақа оламда яратган.

Инсонда ақл ва руҳ бор. Ана шу икки нарса орқали у аброр фаришталар мавқеига кўтарилади.

Инсонда тана ва шаҳват бор. Инсон бу иккиси сабабли ҳайвон даражасига тушиб қолади.

Инсон ушбу икки мувозанатни сақлаб, руҳоният олами ва моддият олами орасида мос бўлиб яшаса, яхшилик узра ҳаёт кечиради. Агар бирини ҳаққини иккинчиси ҳаққига тажовуз қилган ҳолда яшаса, мувозанат бузилиб, Аллоҳ инсонни вакил қилган мажбурияти издан чиқади. Чунки

Аллоҳ инсонни ердаги халифаси этиб тайинлаб, ер куррасини обод қилишга ва уни ибодат билан зийнатлашга масъул қилган. Ислоннинг вазифаси ушбу мувозанатни сақлаб, энг афзал бўлган йўлга йўналтиришдир. Инсон бу билан гўёки фаришталардек тоат-ибодатда яшаб, нафсига қарши курашиб, нажот ва яхшиликка эришади.

Рўза инсонни ерда туриб руҳоният оламига етказувчи муҳим ибодатлардан биридир. Чунки инсон рўза тутиш билан инсондаги моддий шаҳватдан халос бўлиб, нафсида йўқотган фаоллик, ҳаракат ва қувватни тиклаб, иймоний ва руҳоний қувватини ошириб олади. Бу билан энди ҳаётдаги мўътадиллик ва мувозанатини ҳам тиклайди.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда: «**Эй иймон келтирганлар!**» деб мўминларни бу улуғ ибодатни адо этишга чақирмоқда. Рўзада инсон Аллоҳнинг буйруқларига бўйсунган ҳолда шаҳватларидан тийилади. Бу нарса ўз-ўзидан чегарадан чиқиб кетмасликни ўргатади, Аллоҳ буюрган нарсаларда тақвога яқинлашишни ва ман этган нарсалардан узоқлашишни таълим беради.

Шунингдек, ушбу ман қилиш инсондаги шаҳвоний ҳукмронликни бошқаради. Шунинг учун бу рўза инсонни гуноҳлардан мусаффо қилиб ушлаб туради. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Рўза қалқондир», деб айтганлар. Яъни рўза шахс ёки жамиятни бузувчи нарсалардан сақловчидир.

Рўза инсонга инсонлигини эслатади. Чунки инсон доим овқат ва ичимликка муҳтож бўлиб туради. Инсон қачонки башарий эҳтиёжи бўлган овқат ва ичимликдан ўзини тийса, ушбу нарсаларга нақадар муҳтож эканини ҳис қила бошлайди. Гўёки рўза инсоннинг заиф ва ҳожатманд эканини эслатиб, бошқаларга тажовуз қилишдан огоҳ этиб туради. Шахс ҳар қандай муҳитда яшамасин, у баъзи зулм ва туғёнга дуч келади, рўза тутганда нафсини қайта-қайта овқат ва ичимликка муҳтож эканини ҳис қилдирса, яна расо инсонга айланаверади.

Агар биз рўзанинг фойдалари ва шахс ҳамда жамият олдидаги ҳикматларини кузатсак, ушбу улкан ибодат «абдий ахлоқ мактаби» эканини билиб бораверамиз. Ушбу мактабни кўплаб солиҳ ва фозил инсонлар битириб, ердаги Аллоҳнинг халифаси, деган шарафга мушарраф бўлиб боришаверади.

Абу Ҳазм раҳматуллоҳи алайҳ бундай деган эдилар: «Бугун охират молининг бозори касодга учраган, жуда ҳам арзон бўлиб турибди, ундан кўпайтириб олинглар. Чунки бозори чаққон кун келиб қолса, унинг озига ҳам кўпига ҳам эришишнинг иложи бўлмайди».

Шундай экан, бир ойгина меҳмон бўладиган Рамазонда тана ва руҳиятимизни «ахлоқ мактаби»да муносиб тарбиялаб, охиратимизга етарли сармояни ғамлаб олайлик.

Маҳмуд Маҳкам

«Ҳилол» журнали 2023 йил 2 (47)-сон